

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
2012 йил 26 декабрдаги
507 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.

ТРАНСПОРТ

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари
умумкасбий ва махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш
йўналишининг ўқув дастури

Тошкент – 2012

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари
бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2012 йил 25 декабрдаги 4 -сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: Ибрахимов К.И. - ТАЙИ , “Автомобилларнинг техник
эксплуатацияси ” кафедраси доценти, т.ф.н.
Кадиршаев Т.- “Автомобилларнинг техник
эксплуатацияси ” кафедраси доценти, т.ф.н.
Магдиев Ш.П. - “Автомобилларнинг техник
эксплуатацияси ” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар: А.А. Тожибоев - ТАЙИ “Автомобилларнинг техник
эксплуатацияси ” кафедраси доценти, т.ф.н.
Т.Т. Турғунов - ТДТУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази доценти,
т.ф.н.

Ўқув дастурлари ТДТУ ҳузуридаги ОИПИ Илмий кенгашида тавсия
қилинган (2012 йил 12 ноябрдаги 11-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилган мавзулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллаш олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
- Таълим сифати менежменти.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Замонавий автомобилларнинг техник эксплуатацияси;
- Замонавий автомобиллар сервисини;
- Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш.

- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги
- **Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**
- “Транспорт” йўналиши фанларини ўқитиш методикаси.
- “Транспорт” йўналиши фанларини ўқитишда инновациялар.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари «Транспорт» таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари «Транспорт» таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа Қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- педагогика ва психологиянинг сўнгги ютуқларини;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- ахборот-коммуникация технологияларининг ютуқларини;
- Замонавий автомобилларнинг техник эксплуатацияси;
- педагогик маҳорат асосларини

- автомобилларнинг техник эксплуатацияси фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни
- «Автомобиллар техник эксплуатацияси» тараққиётининг замонавий тенденцияларини;
- Автомобиллар техник эксплуатациясининг замонавий техникаси ва технологиясини;
- Ўзбекистоннинг ёнилғи-қувват мажмуаси ва унинг таркибини;
- замонавий автомобиллар сервиси;
- автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш.
- ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш асослари;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари ва мазмуни;
- хавфлар, уларнинг таснифи;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари;
- фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари;
- “Транспорт ” йўналиши фанларининг ўзига хос жиҳатлари;
- таълимнинг қонуниятлари ва принциплари;
- Таълимнинг ташкилий шакллари;
- “Транспорт ” йўналиши фанларини ўқитишда қўлланиладиган таълим методлари ва воситалари;
- талабаларнинг ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашнинг назарий асослари ҳамда мутахассислик фани ўқитувчисига қўйиладиган талаблар ҳақидаги масалаларини *билиши* керак.

Тингловчи:

- соҳадаги чет эл ва мамлакатдаги илмий-техник тараққиёт ҳақидаги маълумотни тизимлаштириш;
- автотранспорт воситалари эксплуатация шароитларини аниқлаш;
- автотранспорт воситаларини сақлаш усуллари;
- автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологик жараёни амалага ошириш;
- АТТК нинг технологик ҳисоби, АТТК ни режалаштириш, ТХК ва ЖТ технологик жараёнларини механизациялаш даражасини аниқлаш, замонавий лойиҳалаш амалиётида яратилган технологик лойиҳалар таҳлили, АТТК лойиҳаларнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш;
- автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун ишлар рўйхати-таркибини аниқлаш;
- автотранспорт воситаларини сақлашда қўлланиладиган жиҳозлар;
- автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологик жараёнини ташкил этиш усуллари;
- корхона фаолияти, хизмат кўрсатиш сифати ва унинг рақобат бардошлигини иқтисодий баҳолаш;

- АТТК нинг ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш, устахоналар, минтақалар, ишлаб чиқариш биносини ва корхона бош режаси схемасини ишлаб чиқиш;
- корхона ишлаб чиқариш базасини қайта куриш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича такомиллаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш
- ишлаб чиқаришда электр хавфсизлик қоидаларига риоя этиш;
- фуқароларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш;
- фавқулодда ҳолатларда қутқарув ва бошқа шошилиш ишларини ташкил этиш;
- “Транспорт” йўналиши фанларининг ўзига хос жиҳатларини изоҳлаш;
- мутахассислик фанини ўқитишда қўлланиладиган таълим методлари ва воситаларини тўғри қўллаш олиш;
- мутахассислик фани ўқитувчисига қўйиладиган талаблар асосида фаолият олиб бориш каби *қўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- психологик-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- автомобиллар техник эксплуатацияси фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- Автомобиллар техник эксплуатациясининг мутахассислик фанлари дастурига қувват турларидан фойдаланишнинг самарали усулларини тадбиқ қилиш ҳолати ва истиқболи мавзуларини киритиш
- Автомобиллар техник эксплуатацияси фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш ишларини олиб бориш
- “Транспорт” йўналиши фанларини ўқишда ўқув машғулотларининг “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” билан уйғунлигини таъминлаш ишларини олиб бориш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкмаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«Транспорт» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркибий мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига ва таълим-тарбия масалалари.

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шарти эканлиги. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемokratик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. Таълим сифати менежменти.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битирувчи талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

II. Умумқасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий комуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информатсион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараёни технологиялар лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг асосий даражалари. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган суҳбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни раво ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Замонавий автомобилларнинг техник эксплуатацияси.

Автомобиллар техник эксплуатацияси фанининг предмети, вазифалари ва манбалари. Республикада автомобил саноати ва транспортини ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорлари. Фаннинг янги бўлимлари. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизими. Автомобилларга ТХК нинг режали-огоҳлантирувчи тизимидаги янгиликлар.

Замонавий автомобилларга сервис хизмати ва таъмирлаш. Автомобилларга ТХК ва Т тизимининг келажакдаги тараққиёти. Замонавий автомобилларга ТХК ва Т технологияси. Автомобил двигателининг КШМ ва ГТМ ига, совитиш ва мойлаш, ёнилғи таъминлаш тизимларига, автомобилнинг электр жиҳозларига, трансмиссиясига, бошқариш механизмларига, юриш қисмига ТХК ва Т ишлари технологияси.

3.2. Замонавий автомобиллар сервиси.

Эркин бозор муносабатларининг шаклланиш шароитида автосервис хизматининг ўрни. Автосервис корхоналарининг турлари ва турланиш мезонлари. Автосавдо базалари, салонлари ва дўконлари, автодилерлар. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхоналари: автомарказлар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари (АТХКС), ёнилғи-мой кўйиш шахобчалари, автоустахоналар, техник хизмат кўрсатиш постлари, махсус ихтисослашган автотаъмирлаш корхоналари. Автомобилларни вақтинча ва доимий сақлаш жойлари. Корхоналарнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари: ишлаб чиқариш қуввати, хизмат қобилияти, иш унуми ва ҳ.к. Фирма усулидаги автосервис хизмати тўғрисида тушунча ва унинг соҳадаги етакчи ўрни. Фирмавий автосервиснинг ташкил этилиш усуллари ва мезонлари, асосий талаблари ва ҳолатлари. Автомобилсоз компаниялари, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи ва махсус савдо фирмалари ва дилерлари ташкил этган фирма усулидаги автосервис. Жаҳондаги етакчи автомобилсоз компанияларнинг фирма усулидаги автосервисни ташкил этишдаги тажрибалари. Фирма усулидаги автосервисни жаҳон автомобиллар бозорларидаги роли ва аҳамияти. Ўзбекистонда фирма усулидаги автосервис. Автосервис хизматининг сифатини таъминлаш. Автосервис хизматида бажариладиган ишлар сифатига қўйиладиган талаблар ва уларни белгиловчи ҳужжатлар. Давлат, тармоқ ва корхоналар хизматларининг сифатини белгиловчи ва кафолатловчи стандартлар, хавфсизлик ва экологик талаблар. Ҳар хил тоифадаги миқозлар билан муомала маданияти. Корхонада автосервис сифатини таъминловчи ва бошқарувчи халқаро ISO 9000 туркумидаги стандартни жорий этиш.

3.3. Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш.

Замонавий автотранспорт тармоғи корхоналари (АТТК) ни лойиҳалаш фанининг предмети, вазифалари, мутахассис тайёрлашдаги аҳамияти. АТТК ларни лойиҳалашнинг услубиёти ва асослари. Замонавий автотранспорт тармоғи корхоналарининг таснифи. Автотранспорт корхоналари (АТК) нинг ишлаб чиқариш техник базаси ва уларни лойиҳалаш тартиби. Замонавий автотранспорт корхоналарини технологик лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари. Автотранспорт корхоналарининг ишлаб чиқариш техник базасини қайта қуриш ва қайта жиҳозлаш. Мавжуд АТК ишлаб чиқариш техник базасининг ҳолати ва ривожланиш шакллари. Янги қурилиш,

корхонани кенгайтириш, қайта қурилиши ва техник қайта жиҳозланиши. Корхона қайта қурилишининг афзалликлари. Корхонани қайта қуришда лойиҳалашнинг босқичлари. Автотранспорт тармоғи корхоналарининг бошқа турларини технологик лойиҳалаш. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари, автомобилларга техник сервис кўрсатиш марказлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари, йўловчилар ташиш вокзаллари ва шоҳбекатлари, юк ташиш автомобил станциялари, терминаллар, логистика марказлари, диагностикалаш марказлари, автомобилларни сақлаш жойларининг турлари, таркиби ва уларнинг вазифалари ҳамда уларни лойиҳалаш асослари.

3.4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш асослари. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, уларнинг мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари.

Ишлаб чиқаришда фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган асосий қонунлар, стандартлар, низомлар, қоидалар ва меъёрий ҳужжатлар тизими.

Ишлаб чиқариш жараёнлари санитарияси ва гигиенаси. Инсон меҳнат фаолиятининг физиологик-гигиеник асослари. Инсон меҳнат фаолиятига таъсир этувчи салбий омиллар, уларнинг турлари, моҳияти ва ҳимояланиш усуллари. Меҳнат жараёнида ишловчининг ишлаш қобилиятини пасайиши ва зўриқиши.

Ишлаб чиқаришда электр хавфсизлик асослари. Техносферада хавфсизликни таъминлаш масалалари.

Фуқароларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш услублари ва воситалари, уларнинг хусусиятлари. Фавқулодда ҳолатларда қутқарув ва бошқа шошилиш ишларини ташкил этиш.

Фуқароларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш услублари ва воситалари, уларнинг хусусиятлари. Қутқарув ва бошқа шошилиш ишларини ташкилий асослари, шикастланган ўчоқларда уларни олиб бориш усуллари. Табиий офатлар, авария ва ҳалокат оқибатларини бартараф этишда қутқарув ва бошқа шошилиш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш.

Ёнғин хавфсизлиги Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрдаги “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти.

Ёнғин офати, унинг келиб чиқиш сабаблари, омиллари, турлари, ёниш фазалари ва уларнинг хусусиятлари. Иқтисодиёт тармоқлари бинолари, иншоотлари ва қурилиш материалларининг ёнғинга қарши бардошлилик даражалари.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. “Транспорт” йўналиши фанларини ўқитиш методикаси

“Транспорт” йўналиши ўқув предметларининг ўзига хос жиҳатлари. Йўналиш ўқув предметларини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари. Йўналиш ўқув предметини ўқитишда таълим методлари ва воситалари. Мутахассислик ўқув предмети ўқитувчисига қўйиладиган талаблар. Назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш жарани Талабаларнинг мутахассислик тайёргарлигини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолашнинг назарий асослари.

4.2. ”Транспорт” йўналиши фанларини ўқитишда инновациялар.

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. “Автомобиллар техник эксплуатацияси” фанлари ўқитувчисининг инновацион фаолияти хусусиятлари. “Транспорт” йўналиши фанлари ўқитувчиси фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

V. Танлов фанлари модули

Таълим соҳалари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб олий таълим муассасаси ҳузуридаги тармоқ марказлари танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, педагогика, психология фанлари ва уларни ўқитишнинг долзарб муаммолари ҳамда замонавий концепцияси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, “Автомобиллар техник эксплуатацияси” фанларининг дидактик таъминоти ва ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий педагогик тажрибалар йўналишларини ўрганиш мавзулари доирасида олиб борилади.

Тингловчиларнинг йўналишга оид олган назарий билимларини такомиллаштириш мақсадида тажриба алмашиш ҳамда амалий машғулотларни олиб бориш ишларини саноат йўналишидаги ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларида, шунингдек, олий таълим муассасаларининг замонавий жиҳозларга эга бўлган лабораторияларида, замонавий дидактик таъминот ва технологик жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида амалга ошириш кўзда тутилган.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).
- Такдимот (танланган мавзу асосида такдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Даражали тестлар банкини яратиш.
- Кейслар банкини яратиш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутоала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Инновацион педагогик фаолият назарий асослари.
2. Блум таксономияси асосида таълим мақсадларини лойиҳалаш.
3. Таълим натижалари таксономияси.
4. Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини

ўқитишни лойиҳалаш.

5. Компьютер тармоқлари.
6. Таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари.
7. Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари.
8. Дарс-таълимни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида.
9. Электрон ўқув-методик материаллар мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
10. АТТК ларни лойиҳалашнинг услубиёти ва асослари.
11. Замоनावий автотранспорт тармоғи корхоналарининг таснифи.
12. Автотранспорт корхоналари (АТК) нинг ишлаб чиқариш техник базаси ва уларни лойиҳалаш тартиби.
13. Замоनावий автотранспорт корхоналарини технологик лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари.
14. Автотранспорт корхоналарининг ишлаб чиқариш техник базасини қайта қуриш ва қайта жиҳозлаш.
15. Мавжуд АТК ишлаб чиқариш техник базасининг ҳолати ва ривожланиш шакллари.
16. Янги қурилиш, корхонани кенгайтириш, қайта қурилиши ва техник қайта жиҳозланиши.
17. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари, автомобилларга техник сервис кўрсатиш марказларининг фаолияти.
18. Автомобил станцияларининг фаолияти.

Дастурнинг инфор­мацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замо­навий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- модулларнинг барча маърузалари бўйича замо­навий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-комуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
4. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.

5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори
9. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
10. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат Чўлпон: 2005. 213 б.
11. Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок.МВиССО.Т.,2002.98 с
12. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. - Т.: ТДПУ, 2002. 218 б.
13. М.Х.Лутфуллаев., М.А.Файзиев. Интернет асослари., СамДУ нашриёти. 2001. 198 б.
14. Б.Ф.Қодиров. У.Бегимкулов, А.А.Абдуқодиров. Ахборот технологиялари. Электрон дарслик. 2002. 213 б.
15. Ғозиев Э., Мамедов К. Касб психологияси. - Т., 2003. 183 б.
16. Ишмухаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари Тошкент: 2000. 161 б.
17. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. - Т., 2006. 183 б.
18. Мавлонова Р., Холикбердиев К., Тураева О. Педагогика.– Т.: Ўқитувчи, 2006. 298 б.
19. Немов Р.С. Психология. - М.: ВЛАДОС, 2003.- 1-2-т. 518 с.
20. Оконь В. Ведение в общую дидактику. М., 1990. 128 с.
21. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. – в 2-х кн. – М. : ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
22. Раҳмонқулова С.И. IBM PC шахсий компьютерида ишлаш.- Т., 1998 224 б.
23. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
24. Саттаров И., Б.Ф.Қодиров, У.Ш.Бегимкулов. «Компютерда лаборатория ишлари». Т. ТДПУ нашриёти. 2002. 143 б.
25. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. 163 б.

26. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000. 122 б.
27. Холмуродов Р.И., М.Ҳ, Лутфуллаев. «Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш», Т.,ЎЗРФА «Фан», 2003 й. 176 б.
28. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998 г. 221 с.
29. Техническая эксплуатация автомобилей. Учебник для Вузов. Под ред. проф. Е.С. Кузнецова. М.: Наука, 2001 г.
30. Автомобилларнинг техник эксплуатацияси. Кузнецов Е.С. (Магдиев Ш.П. таржимаси), Т.: ТАЙИ, 2003 й.
31. Автотранспорт корхоналарини қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш. Г.М.Напольский., А.В.Пугин (М.З.Мусаджанов ва Н.М.Мўминжонов таржимаси). - 2004 й.
32. Ўзбекистон ахборот коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. А.Н. Арипов, Т.К. Иминов. Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2005 й.
33. Руководство по ремонту и обслуживанию. Инструкция по эксплуатации автомобилей ДЭУ. НЕКСИЯ (все модели). Т.: 2000 г.
34. Автомобиллар техник эксплуатацияси. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Проф. Қ.М. Сидикназаров таҳрири остида. – Т.: “Voris-nashriyot”, 2008. – 560 б.
35. Автосервис асослари. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Проф. М.А. Икромов таҳрири остида. – Т.: 2010. – 190 б.
36. Автомобиль сервис ахборотномаси. Ахборотнома. Проф. Қ.М. Сидикназаров таҳрири остида. – Т.: “Voris-nashriyot”, 2011. – 496 б.

Интернет маълумотлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. <http://auto.ru/>
6. <http://www.as066.narod.ru/pr.e.g.htm>
7. <http://www.zandy.ru/use.php>
8. <http://www.autokrot.ru/>
9. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
10. <http://www.xabar.uz>
11. www.ziyonet.uz
12. www.edu.uz
13. www.pedagog.uz
14. www.tdpu.uz